

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 28 октябрь, № 209 (5124)

Пайшанба

САНОАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ



Хасан ПАЙДОВ олган сурат.



Авал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ташкил этилган IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини қизғин ва ишчан руҳда давом эттирмоқда. Тадбирнинг иккинчи иш куниди "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзавтосаноат" компаниялари, "Ўзмонтажмахсускурилиш" ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмалари, Тошкент трактор заводи ҳамда Тошкентдаги мис ва рангли металл қолдиқларини қайта ишлаш заводининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бу борадаги ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Музокарада Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи билан Европа Парламенти ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар парламентаро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдидлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, олим ва мутахассислар, Европа Парламенти делегацияси аъзолари иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар, хусусан, Европа Иттифоқи билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалари ва парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди. Ушбу тузилма ташаббуси билан 2004 йилда «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» минтақавий мулоқот механизми ташкил қилинди. Ўзбекистон ЕИ мамла-

(Давоми 2-бетда).

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш мавзусидаги халқаро анжуман иш бошлади.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ

Ютуқлар, янгиликлар, долзарб вазифалар

Мазкур тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика ахборот-кутубхона маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуман

Унда парламент куйи палатаси депутатлари, мамлакатимиз ҳудудларидаги ахборот-кутубхона марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, Россия, АҚШ, Германия, Нидерландия, БАА, Покистон каби давлатлардан келган соҳа мутахассислари иштирок этишди. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона марказларини малакали мутахассислар билан таъминлашда жаҳондаги қатор давлатларнинг миллий кутубхоналари ва олий ўқув юртлири билан ўрнатилган ҳамкорлик самарали бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Польша, Миср, Россия, Германия, Украина каби мамлакатларнинг соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошираётган янгидан янги лойиҳалари замонавий ахборот-кутубхо-

на хизматини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётти. Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори тизимдаги ишловларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифаларга мувофиқ, замон билан ҳамлан ҳамлаф фикрловчи, ахборот-коммуникация соҳаси билимдонни сифатида кенг тушунча ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, бугунги кунда ахборот-кутубхона тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, буткул янгича қиёфа ва шарт-шароитлардаги интеграллашган кутубхона тизимини яратиш, замонавий ахборот-кутубхона хизматини тақомиллаштириш ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Шу маънода, ҳар икки йилда бир мартаба анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур йирик халқаро анжуман юқорида қайд этилган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлашда ўзига хос ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда).

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Республикада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жараён

Таъкидландики, мамлакатимизда истиқлол йилларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1996 йилда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари ҳамда кўплаб меъёрий

ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг бари бугун ўз самарасини бермоқда.

Бирок, шундай бўлса-да, аҳолининг соғлиғига зарар кел-

тирувчи, қалбаки, яроқлилик муддати ўтган маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш сингари вазифалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мавжуд талабларга риоя

этилиши юзасидан ўтказилган 3 мингдан зиёд текширувларнинг 1600 дан ортиғида қонунбузилиш ҳолатлари аниқлангани бунга мисол бўла олади. Демак, кўри-ниб турибдики, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳамда истеъмолчилар маданиятини ошириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш зарур.

Семинарда шулар ҳақида сўз юритилиб, унинг иштирокчилари келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикр алмашилди.

Тадбир асосида "Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқлари" ҳамда "Давлат стандартлаштириш сиёсати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари" мавзусларида тақдимот маросимлари ҳам ташкил этилди.

Д. УЛУҒМУРОДОВ.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Тадбиркор аёллар

иштирокида БУХОРО шаҳрида "Аёл: ишбилармонлик ва тараққиёт" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди



Импорт ўрини босади

АНДИЖОН. Маҳаллий-лаштириш дастури доирасида вилоятдаги 20 та корхонада 72 та лойиҳа амалга оширилди.

Шу тарзда асакалик автомобилсозларга эҳтиёт қисмлар, цистерна вагонлар, бургилаш ва нефть соҳаси учун ускуналар, электротехника ҳамда энгил саноат учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу каби тадбирлар натижасида 11,8 миллион АҚШ долларлик маблағ тежаб қолинди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Унда сўз олганлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни раванқ топтириш учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Жамиятда аёллар ролини ошириш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё тадбиркор аёллар уюшмалари тармоғи вакилларининг учрашуви ҳамда хунарманд хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мелиоратив ҳолат яхшиланди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Оролбўйида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан молиялаштирилган, қиймати 76,28 миллион АҚШ долларлик дренаж тизимларини яхшилаш лойиҳаси бўйича иш ниҳоясига етказилди.

Натижада коллектор-дренаж сувларининг Амурдарага тушишига чек қўйилди. Шунингдек, Бе-

руний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларидаги қарийб 100 минг гектарлик экин майдонларининг

мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАСТУРХОНИМИЗНИНГ ФАЙЗУ БАРАКАСИ


2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши

7,8

фоизни ташкил этди.

Бу ютуқ иқтисодиётимизнинг мазкур етакчи тармоғида илоҳотлар изчил олиб борилаётгани, фермер ўнжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ инфратузилмасининг жадал ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани натижаси бўлиб, булар халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида

ТОШКЕНТ. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг қишлоғида академик лицейда мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, талабалар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— ЕИ билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар амалий мулоқотлар асосида жадал ривожланмоқда, — деди Европа Парламенти делегацияси раҳбари Паоло Бартолоцци (Италия). — Ушбу мажлисда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар, шунингдек, энергетика соҳасидаги ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айлинишига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик хусусида атрафлича фикр алмашилди. Тадбирда Ўзбекистонда ўз вақтида ишлаб чиқилган акцилинкороз чоралар боис мамлакатимиз иқтисодий бўҳрондан деярли зарар кўрмагани алоҳида таъкидланди. Юртимизда иқтисодий тартибдор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодотлар самараси ўлароқ, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг йил сайин ошириши ва чет эл сармоясини янада кўп жалб этишга, дунё мамлакатларида иш ўринлари қисқараётган бир вақтда Ўзбекистонда янги иш ўринлари ташкил этишга эришилаётгани қайд этилди. Анжуманда, шунингдек, мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бора-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда транспорт-коммуникация, қурилиш, автомобиль соҳаси, металл қайта ишлаш тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда. Бунда уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари изчил модернизация қилинаётгани, замонавий технология ускуналар билан жиҳозланаётгани, айниқса, яхши самара бераётгани. Бу, ўз навбатида, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, экспорт салоҳиятини ошириш имконини бermoқда. — Қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари юртимизда амалга оширилаётган иқтисодларнинг асосий йўналишларидан биридир, — дейди "Ўзуриллишматериаллари" акциядорлик компанияси менежери Темир Мухаммеджонов. — Натижада республикамизнинг турли ҳудудларида янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, улар барқарор фаолият юрятапти. Айни пайтда ана шу кўркам, мухташам ва барча қўлайликларга эга замонавий ишоотлар шарҳу қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Мухими, корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаётди. Утган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 2010 йил учун маҳсулот етказиб бериш бўйича қарийб 34 миллиард сўмлик шартномалар имзолангани, жорий йилги тадбирда эса компаниямиз ва харидорлар ўртасида тузилажақ шартномалар суммасининг миқдори 47

миллиард сўмдан зиёд бўлиши кутилаётгани бунинг исботидир. Дарҳақиқат, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишлаб чиқарувчилару харидорлар, тадбиркорлару ишбилармонларнинг ўзига хос тажриба алмасув ва амалий ҳаракатлар майдонида айланиб улгурди. Бунинг стандартлари ҳамда павильонларда кузатилаётган музокара ва келишувлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. — Ярмарканинг икки иш кунини давомида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари билан келишувларга эришилди, — дейди Косон шахридаги "Нефть ва газ қувурларини синаш" очик акциядорлик жамияти раҳбари Фатхиддин Шамсиддинов. — Жумладан, дастлабки

кунини Тошкент қувурлар заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, "Топо Техноло" корхонаси билан маҳсулот сотиб олиш бўйича ҳужжатлари тайёрланган бўлса, мана, ҳозиргина "Mar Plast" хорижий корхонаси билан 16 миллион сўмлик шартномага имзо чекдик. Бундай илиқ сўзларни тадбир иштирокчиларининг барчаси изҳор этмоқда. Зеро, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий мақсади саноатимиз ривожининг ютуқларини намоиш этган ҳолда, икки томонлама алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилишидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ютуқлар, янгиликлар, долзарб вазифалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илмий-амалий анжуманда фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва электрон-ахборот ресурсларини қўллаш ишини ривожлантиришда ахборот-кутубхона марказлари, архивлар ҳамда ўқув юрлари қўшиқдаги ахборот-ресурс марказлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада қучураштириш аҳамияти хусусида сўз борди. Мутахассислар тизимда эришилаётган ютуқлар, қўлла-нилаётган янгиликлар билан бир қаторда, долзарб муаммоларга ҳам алоҳида тўхтадилар. Жумладан, анжуманда ахборот-кутубхона мутахассисларини тай-

ёрлаш ва қайта тайёрлаш, кутубхоналар ва архивларда миллий электрон ахборот-ресурсларини шакллантириш масалалари, илмий муассасалар ва таълим масканларининг электрон маълумотлар базасига эркин кириш ишини таъминлаш масалалари илмий маърузалар тинланди. — Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юри-тадиган маҳалли мутахассислар тайёрлашда намунали тизим йўлга қўйилганлиги эътиборимни тортди, — дейди Германиянинг Баден-Вюртенберг сервис-кутубхона маркази директори Мальманн-Билер Марион хоним. — Марказимизда

жами 75 нафар ходим ишлайди, бу эса соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш бизнинг мамлакатда ҳам ечимини кутаётган масала эканлигини англатиб турибди. Ана шундай пайтда юртингиздаги қатор олий ўқув юртинларда он-лайн тизимида ишлаш, масофадан туриб хизмат кўрсатиш, электрон каталоглар яратиш ва электрон ресурслар базасини бойитиш каби муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирок этуви билан мутахассислар шакллантирилганлиги эътирофга арзигулик ҳижатдир.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Самарқандда Президентимизнинг БМТ Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги илми мажлисидаги нутқи мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди.

БУЮК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари З. Мирзаев, Ф. Тошев ва бошқалар юртимизда кечаётган кенг қўламли иқтисодотлар жараёнида ёш авлод таълим-тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш асосларини кенг тарғиб этиш, оилаларни мустақамлаш, атраф-муҳит му-саффолигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимиз маърузасида қайд этилганидек, буларнинг барчаси БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла мос келади. Давла-

тимиз раҳбарининг нуфузли ташкилот минбаридан туриб, дунё жамоатчилиги эътиборини бир қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларга қаратгани ҳар бир юртошимизда, хусусан, ёшларда Ватанимизнинг бугуни ва эртанги тақдирига дахлдорлик тўғрисида кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Тадбирда мамлакатимизда БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларини вазифаларининг амалга оширилишига оид ҳужжатли фильм намоиш этилди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида

(Давоми. Боши 1-бетда).

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўлган шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКОга Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлган. Мамлакатимиз ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган ўнга яқин халқаро ҳужжатга қўшилган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, юртимизда бебаҳо маданий-маърифий меросни асраб-авайлаш, илмий аҳамиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хивадаги Ичанқалъа мезморий мажмуаси, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий марказлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, халқаро муҳофазага олинган. Бойсун фольклори, Шашмақом, Катта ашула каби мусиқа санъатининг ноҳод намуналари, Наврўз айёми ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган. Бир қатор тарихий шаҳарларимиз ва буюк алломаларимизнинг юбилей саналари, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонлангани Ўзбекистоннинг азалдан жаҳон илм-фани ва маданиятининг йирик марказларидан бири бўлиб келганлигининг халқаро миқёсдаги эътирофидир. Тадбирда ЮНЕСКО фаолиятига оид савол-жавоблар бўлди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Интилиш

Фарғона водийсини мамлакатимиз пойтахти билан боғлайдиган йирик автотрасса "Тошкент — Ўш" автомобиль йўли деб аталади. Буюк Ипақ йўлининг ажралмас қисми бўлган бу трассани ҳеч муболагасиз "Аср қурилиши" дейиш мумкин.

ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗИЛАР

Шу йўлнинг Қўқон шаҳридан айрилиб ўтаётгани, "Пунгон" ва "Уч уй" массивларини боғловчи янги йўл қурилиши ҳам ўзининг салмоғи ва қўламли жиҳатидан йўлнинг энг йирик объекти ҳисобланади. Мазкур йўл тўлиқ фойдаланишга топширилса, Андижон, Фарғона, Марғилон, Асака шаҳарларидан Тошкентга борадиган йўл 16 км. масофага қисқаради. Ана шу йўлнинг асосий қисмини бунёд этиш Фарғона тумани йўл ҳўжалиги пудрат-таъмирлаш давлат корхонаси қурувчилари зиммасига юклатилган. Уларнинг сай-ҳаракатлари натижасида жорий йўлнинг ўтган даврида салкам 10 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди. Айни кунларда бу ерда корхонанинг қирқдан зиёд техника воситалари 2 сменада тўла қувват билан ишлатилаяпти. Ҳалимжон Ҳошимов, Умаржон Тўраев, Зоҳид Эрматов, Бахтиёр Насриддинов сингари бунёдкорлар эса қурилиш майдонидан ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Айтишларинча, Тошлоқ туманидаги Пахтакор ва Тоғлик қишлоқларини боғлаб турдучи йўлнинг 6 километрга янгидан асфальт ётқизилган, йўл равои бўлиши билан бирга, қишлоқларнинг инфратузилмаси ҳам ўзгача қиёфа касб этди. Янги кўприклар, бекаллар, йўловчилар юрадиган йўлақлар ҳам бунёд этилди-да. Учқўприк туманининг Баҳрин ва Жалаер қишлоқлари аҳолисининг азалий орауларини ҳам ушладди. Ҳар икки қишлоқни боғловчи 10 километрлик ички йўл қайта таъмирланганидан сўнг бу қишлоқлар аҳолисининг туман марказига бориши осонлашди. Эътиборлиси, туман йўл ҳўжалиги давлат корхонаси жамоаси томонидан 2009 — 2010 йиллар давомида 27 километрлик мамлакат, 53 километрлик вилоят, 55 километрлик маҳаллий аҳамиятга молик йўллар назорат тартибиде қўздан кеңиририлиб, таъмирдан чиқаришга бўлса, фақат шу йўлнинг ўзида вилоят бўйича 242,3 километрлик умумий қўздан келтирилган, 180,3 километрлик ички йўлларни таъмирлаш мўлжалланмоқда. Йўли равоининг манзили яқин, деганларини шу эмасми?

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007 — 2011 йилларда пахта тазалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятида 10 та корхона босқичма — босқич реконструкциядан чиқарилиши белгиланган эди.

ИЛҒОР ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР сарф-харажатларни камайтириш ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга замин яратмоқда

Ҳозирга қадар "Ангор-пахта" ва "Хайрободпахта" очик акциядорлик жамиятларида бу тадбир ниятисига етказилди. "Шўрчипахта" корхонасида ҳам 2010 йил пахта ҳосили замонавий технологиялар асосида қайта ишланмоқда. "Шўрчипахта" — бундан эллик йил муқаддам қурилган корхона. Унинг ишлаб чиқариш цехлари ва омборлари бири иккинчисидан узоқда, тарқоқ ҳолда жойлашган эди. Эски технология, алмисоқдан қолган ускуналар жамоага бир талай ташвиш муаммолар туғдира бошлади. Сифат кўрсаткичлари пасайиб, корхонанинг қуввати йилига 22 минг тонна пахта ишлаш даражасига тушиб қолган эди.

Давлатимизнинг қарори жамоа учун шу жиҳатдан айни муддао бўлди. Модернизация дастурига мувофиқ, жорий йил бошида корхона қайта қуришга 5 миллиард 495 миллион сўм, жумладан, янги технологияларни харид қилишга 1 миллиард 645 миллион сўм маблағ ажратилди. Бош пудратчи — Термиз қурилиш ва таъмирлаш жамоаси билан корхона мутахассислари ҳамкорликда иш олиб боришди. Толани электр энергияси ва бошқа харажатларни тежашга мослаштирилган ас-

Қарор ва ихро

боб-ускуналар ўрнатилди. — Ишончимиз баҳаво.

Ишонамизда меҳнат қилиш учун зарур шартлар яратилган. Буларнинг барчаси бизни янада унумли меҳнат қилишга ундайди. "Шўрчипахта"да бугун меҳнат унумдорлиги кў-

бўлса, энди бу кўрсаткич 50-55 тоннага етмоқда. Маҳсулот пешмапеш тола терминалларига жўнатилапти. Модернизация самараларидан қоронғининг бошнурчи-электриги Исмоил Абдуллаев ниҳоятда хурсанд. Ахир меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошган бир шароитда, электр энергияси сарфи қарийб икки баробарга қисқарибди. Шунинг ўзида корхонада ойига 70 — 100 миллион сўм тежаб қолинади.

— Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга ошди, — дейди Панжи Бобомуродов. — Бу борада бизга кўрсатилган ёрдам ва ҳамхўрликлардан хурсандимиз. Ўзбекистонимизнинг эса жаҳон пахта бозоридаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу кутлуг ишбу муносиб ўрнимиз, ҳиссамиз борлиги бизга гурур бағишлайди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: "Хайрободпахта" очик акциядорлик жамияти оператори Холмироз Нормов ва лаборант Нормол Утаева. Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

Бошоқли экинлар қадим-қадимдан инсониятнинг асосий озуқа манбаи бўлиб келган. Бугун ҳам улардан тайёрланадиган маҳсулотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳаёт фаровонлигини таъминловчи бирламчи воситалардан ҳисобланади.

Истиклол туфайли галла мустақиллигига эришдик. Ўз дони-миз, ўз номимизга эга бўлдик. Онажонларимиз далаларимизда етиштирилган бугдўй унидан ётган ширмови, жиззали нону па-тирлар буйи шу қадар ёқимлики, уни таърифлаш қийин. За-монавий техника ва технология-лар билан жиҳозланган корхо-налар томонидан етказиб бери-лаётган, дўкнларимиз растала-рини тўлдириб турган турфа хил-нон ва нон маҳсулотлари фаро-вон ҳаётимиз нишонаси. Албат-та, бундай кунларга ўз-ўзиндан эришилгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ ҳўжали-гида олиб борилаётган иқтисод-лар, айниқса, еринг ҳақиқий эгалари бўлиши фермер ҳўжа-ликларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳўқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси, галла етиштиришга қаратилган эътибор ана шундай самаралар бермоқда.

Ваҳолонки, жорий йил об-ҳавонинг анча нуқулвай келиши дунёнинг кўплаб ҳудудлари қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, бо-

шоқли экинлар етиштириш, уларни йиғиб-териб олиш жара-ёнига жиддий пугур етказди. Кейинчалик бу ҳолат бозорда галла нархининг кўтарилиши, ҳатто айрим мамлакатларда нон

молар юзага келди. Хусусан, аксарият ҳўжаликлар маблағ, ресурс, жумладан, уруғ топши масаласидан азият чекишди. Шўрчипахтада, мамлакатда қисқа вақтининг ўзида 9,5 млн. гектар майдондаги галла ярқаси аҳволга келиб қолди. Бу эса экспорт ҳажми-нинг ўтган йилдагига нисбатан пасайишига олиб келди. Шўрчипахта Фарбий Европа мамлакатлари, Россия, Қозғоси-тон ва Туркия жаҳон бўйича гал-лага бўлган эътиборнинг эътирофи бўлиб қолди. Қисмини қоплашини эслаш ло-зим. Бироқ мавсумнинг қуруқ келиши натижасида ушбу дав-латлардаги ҳосилдорлик кутил-ганидан анча кам бўлди. Шу-нинг учун июль ойининг ўзида дунё бўйича дон нархи 18 физга-га қимматлашди. Табиийки, бундай ҳолат Ер юзасининг бир қатор, айниқса, йазанинг, асо-сан, четдан сотиб олувчи мам-лакатларини қийин аҳволга солиб қўйди. Улар орасида Миср ва Мозам-

бик энг кўп азият чекди. Чунон-қиб, эҳромлар ўлкаси ҳар йили дон ва нон маҳсулотларини ха-рид қилиш учун 3 млрд. АҚШ доллари сарфлайди. Лекин жо-рий йил галла етиштириладиган

лар молиявий-иқтисодий инки-роздан кейин аста оёққа туриб, тикланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Юқоридаги ҳолат эса вазиятни яна қийинлашти-раётди. Уларнинг баъзиларида ижтимоий-иқтисодий беқарор-лик кузатилаётганининг боиси ҳам ана шунда. Мамлакатимизда Юртбоши-миз раҳнамолигида ўз вақтида узоқни кўзлаб амалга оширил-ган изчил чора-тадбирлар дон етиштириш бўйича салмоқли ютуқларни қўлга киритишга за-мин яратди. Галлачиликда эри-шилаётган муваффақиятлар эса иқтисодий барқарорлик, ижти-моий фаровонликка хизмат қил-моқда. Булар биз танлаган та-раққиёт модели нақадар тўғри эканлигини тасдиқловчи ҳаётий далиллардир. Жаҳоннинг кўплаб нуқталари-да давом этаётган иқтисодий инкироз палласида ҳам юрти-миз жадал раванқ топмоқда. Ҳирмон баракаси, тўқин ҳаёт манзаралари ва энг муҳими, ва-тандошларимиз қалбидаги шук-роналик ҳисси шундан далолат бериб турибди. Ана шундай до-риламон кунларимизнинг кад-рини баланд тутиб яшашнинг ўзи катта бахт эмасми?!

Санджон МАХСУМОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
МИРУМАР АСАДОВ**

Ўзбекистон миллий хунармандчилик соҳаси оғир жудодликка учради. Моҳир таъмирчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадов 83 ёшида вафот этди.



Мирумар Асадов 1927 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. Самарқанд ёдгорликларни таъмирлаш бўлими юртида тахсил олганидан сўнг, дастлаб машҳур ганжкор Уста Ширин Муродов раҳбарлигида тарихий мейморий обидаларни таъмирлаш ишларида иштирок этиб, тажриба ва маҳорат сирларини эгаллади. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биносини, бошқа тарихий-маданий иншоотларни шарқона усулда безаш ишларида фаол қатнашди ва элюртимизга кўли гул уста сифатида танилди.

М. Асадов, айниқса, мамлакатимиздаги қадимий обидаларни, жумладан, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва Тиллакорин мадрасалари, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Баҳауддин Нақшбанд мажмуаси каби қадимий ёдгорликларни юксак маҳорат билан таъмирлаб, уларнинг бетакрор қиёфасини тиклашга муносиб ҳисса қўшди.

Тажрибали уста ўзининг 50 йилдан зиёд давом этган меҳнат фаолияти мобайнида ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, тарихий обидаларни таъмирлашдек алоҳида истеъдод ва маҳоратни талаб қиладиган мураккаб соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам ибрат намунасини кўрсатди.

М. Асадовнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ва "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган эди.

Моҳир таъмирчи уста, камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози М. Асадовнинг хотираси қалбимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

**Ш. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА,
И. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, А. АРИПОВ,
А. ЖАБОРОВ, А. АБДУЛЛАЕВ**

● Термизда "Қамолот" ЁИХ Марказий кенгаши ташаббуси билан "Мингиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат, таҳлил" мавзуда конференция ўтказилди. Унда БМТнинг Мингиллик ривожланиш мақсадлари дастури доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар хусусида сўз борди.

**Қисқа
сатрларда:**

● Сирдарёлик тадбиркор Бахтиёр Аҳмедов Миллий банкдан олган 30 миллион сўмлик кредит эвазига металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ишга туширди. Айни кунларда бу ерда темир дарвозалар, кўча ёриткичлари ва темир панжалар тайёрланмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси кўмаги билан Қизилтепа тумани марказий шифохонаси ҳамда Нуротадаги Чўя қишлоқ врачлик пунктига муқобил энергия манбаи қуёш батареялари ўрнатиб берилди.

● Жиззах шаҳрида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 1 миллиард 741 миллион сўмлик маблағи эвазига 200 ўринли мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилди.

● Кўконда индонезиялик ва сингапурилик сармоядорлар ҳамкорлигида "Индрама Кўкон текстиль" қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бoшлагач, бу ерда йилига 10 минг тонна калава ип, 22,5 миллион погонметр газлама ва 9 минг дона тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикада тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рабатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума куни

**«Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни»
(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.**

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг ҳар жума куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикадаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:

(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04

(ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

akfa lighting Электр энергиясини тежовчи люминесцент ихчам чироқлари
15 ОЙЛИК КАФОЛАТ

Сиз ҳам алмаштиринг!

Ҳаммаси ҳисобга олинган! Тежамкорлик. Технологиялар. Инновациялар.

Электр энергияси тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ энергияни тежаш муаммоси ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Саноат ва маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясига бўлган талаб йилдан-йилга ортмоқда, шу боис электр энергиясини тежаш барча учун муҳим заруратга айланган. Албатта, газ ва электр энергияси учун тўлов тарифлари 20 йил аввалгига қўйсаткичларга қайтмаслиги табиий, лекин унинг замонавий технологиялар ҳисобига тежамкорлиги ва самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд.

Электр энергиясини тежаш борасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойили, бу — энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежаш билан боғлиқ давлат ислохотларини қўллаб-қувватлаш, энергияни истеъмол қилишга янги ҳаёт тарзини шакллантириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва атроф-муҳитни экологик соф сақлаш демакдир.

«AKFA» компанияси давлатимизнинг энергияни тежаш сиёсатига мувофиқ, «AKFA Lighting» савдо белгиси остида энергия тежовчи люминесцент чироқларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу Марказий Осиёда биринчилардан импорт ўрнини босувчи энергия тежовчи люминесцент турдаги чироқлар ишлаб чиқарувчи корхонадир. Маҳсулот жаҳоннинг юқори андоза ва технологиялари асосида тайёрланади.

«AKFA Lighting» чироқларидан ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам кундалик маиший ҳаётда туну кун узлуксиз сифатли ва самарали

фойдаланиш имкониятига эга бўласиз. Мазкур чироқлар электр энергиясини сарфи тежалишини кафолатлайди, шунингдек, ҳаётингизга замонавийлик ва қулайликни тақдим этади.

«AKFA Lighting» энергия тежовчи чироғи 3 та асосий компонент: цоколь, люминесцент чироқ ва электрон блокдан ташкил топган.



Цоколь — чироқни электр тармоққа улаш учун мўлжалланган мослама. Электрон блок ёки ишга туширувчи электрон тартибга солиш аппарати (ИТЭТСА) люминесцент чироқнинг ёқилиши (ишга тушиши) ва ишлашини таъминлайди. ИТЭТСА 220V электр тармоқ кучланишини люминесцент чироқ кучланишига мос равишда айлантириб беради. ИТЭТСА тўфайли энергия тежовчи чироқ барча люминесцент чироқлар сингари милтиллалашсиз ишлайди.

«AKFA Lighting» энергия тежовчи ихчам «люминесцент» чироқлари:

— тежамкор (ёритиш харажатларини 5 марта камайтиради);

— узок муддатли (8000 соатгача узлуксиз ёниб туриши мумкин);


— Самарали ёритади, лекин иситмайди;
— (190-245V) ўзгарувчан кучланишларга нисбатан таъсирчанлиги кам;
— ихчам.

- 11W - h=92 mm, d=38 mm
- 15W - h=100 mm, d=38 mm
- 20W - h=110 mm, d=52 mm
- 25W - h=114 mm, d=52 mm

Барча «AKFA Lighting» чироқларига 15 ой кафолат берилади.

Чироқлар турлари: 11W, 15W, 20W, 25W.

Оқлик даражаси: 6500 K — кундузги ёруғликка эга.



«AKFA Lighting» чироқлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, савдо белгиси рўйхатга олинган, маҳсулот сертификатланган ва катъий сифат назоратидан ўтказилади.

24 соат ичида

ЖАҲОН

«Ford» автомобилсозлик корпорацияси учинчи чоракни мўмайгина даромад билан якунлади.

Янги русумлар наф келтирди

Ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур даврда у кўрган фойда 68 фоизга ошган ва 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Корпорация томонидан ишлаб чиқарилаётган янги русумдаги автоуловларга жаҳон бозорида талаб ортиб бораётгани ана шундай ижобий натижаларга асос бўлди.

Фойдаланувчилари сонини ошмоқда

Жаҳонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонини кейинги беш йил ичида икки баробарга кўпайган.

Бу ҳақда Электр алоқаси халқаро иттифоқи томонидан маълум қилинди. Хусусан, жорий йилга келиб, бу хизмат туридан фойдаланаётганлар сонини икки миллиард кишидан ошган. Мазкур ахборот тармоғига мурожаат қилаётганларнинг катта қисми ривожланаётган давлатлар ҳисобида туғри келади.

Баҳсли қонун маъқулланди

Франция парламенти-нинг юқори палатаси президент томонидан тақлиф қилинган пенсия қонун лойиҳасини маъқуллади.

Мазкур ҳужжатга асосан, нафақага чиқиш ёшини 60 дан 62 ёшга, 2030 йилдан бошлаб эса 67 ёшга узайтириш кўзда тутилган. Ўз навбатида, бу лойиҳа аҳоли ўртасида жиддий норозиликларни келтириб чиқарди. Натижада кўп сонли намоийшлар ва оммавий тартибсизликлар юзга келди. Хусусан, нефтни қайта ишлаш корхоналари ва оғирликларни ҳодимларнинг иш ташлаши мамлакатда ёниги таъминотининг издан чиқишига сабаб бўлди.

Зилзила келтирган талафот

Индонезиянинг Ява оролида кучли зилзила юз берди.

Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллни ташкил қилган ер силкинishi цунами келиб чиқишига ҳамда Мерапи вулкони отилишига туртки бўлди. Оқибатда 140 киши ҳаётдан кўз юмган, 500 ортиқ одам бедарак йўқолган. Ментаваи, Пагаи ва Силабу оролларида юзлаб тураржой бинолари вайронага айланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**докторантурасига 2010 йил учун
24.00.00 «Шарқшунослик фанлари» мутахассислигининг
қуйидаги ихтисосликлари бўйича
қабул эълон қилади:**

**24.00.01 — Диншунослик
24.00.02 — Ислам тарихи ва манбашунослиги**

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб
1 ой давомида қабул қилинади.*

Керакли ҳужжатлар: олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржимай ҳол, иш жойидан тавсифнома (агар ишласа), магистратурани битириб ҳужжат топшираётганлар учун олий ўқув юрти илмий кенгашидан тавсиянома, ихтисослиги бўйича реферат, дипломлар, паспорт ва меҳнат дафтарақасининг нусхаси, тураржойидан маълумотнома, 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Шунингдек, Тошкент ислом университети аспирантурасига
2010 йил учун 24.00.00 «Шарқшунослик фанлари»
мутахассислигининг қуйидаги ихтисосликлари бўйича
қабул эълон қилади:**

**24.00.01 — Диншунослик
24.00.02 — Ислам тарихи ва манбашунослиги
24.00.03 — Ислам ҳуқуқшунослиги.**

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб
1 ой давомида қабул қилинади.*

Керакли ҳужжатлар: олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржимай ҳол, иш жойидан тавсифнома (агар ишласа), магистратурани битириб ҳужжат топшираётганлар учун олий ўқув юрти илмий кенгашидан тавсиянома, ихтисослиги бўйича реферат, дипломлар, паспорт ва меҳнат дафтарақасининг нусхаси, тураржойидан маълумотнома, 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат, конверт, тезтиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Кодирий кўчаси, 11-уй, 2-қават, 201-хона. Телефонлар: (8-371) 244-00-91, 241-18-09.

SONATA *Ўз йўлингни танла!*

Drive your way

Кафолат — 2 йил
ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner **www.hyundai.com.uz**
Tel. (8-371) 250-11-11

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

«Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 25 сентябрдаги сонидан эълон қилинган тендер савдолари тендер комиссиясининг 2010 йил 23 октябрдаги қарори билан 10 (ўн) календарь кунга узайтирилди.

Шу муносабат билан тендерга тақлифларни топшириш муддати шу йил 5 ноябрь соат 15.00 га белгиланди.

Қўшимча маълумотларни тендер комиссияси ишчи органига мурожаат қилиб олиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Телефонлар: (99871) 239-11-23, 239-47-49.
Тел./факс: (99871) 239-11-39.
E-mail: pension_uz@mail.ru, ShMansurov@mf.uz

Российский линолеум

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари фалсафа кафедраси ўқитувчиси Аспидин Абдановга отаси **Темур АБДАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Минтақавий банк ўқув маркази жамоаси бош директор Замир Холмаҳмадовга онаси **Басанд ХОЛМАҲМАДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг нафис тури ҳисобланмиш бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам гимнастика бўйича тўғарак ва секцияларни кўпайтириш, мавжуд спорт иншоотларининг моддий-техник базасини яхшилаш, зарур спорт жиҳозлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мухтарам Президентимизнинг спортга, айниқса, хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор бериб, гамхўрлик кўрсатаётганлиги бежиз эмас, — дейди бадий гимнастика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси катта мураббийи Гулбахор Бобонова. — Аёлларимизнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик юришларида бу спорт турининг ўрни бекиб.

нашиб, совринли ўринларни қўлга киритаётган қизларимиз сони кун сайн кўпаймоқда. Масалан, яқинда Баркамол авлод йилга бағишлаб ўтказилган "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамаиати биринчилигида қатнашган Жадра Базарбаева, Хамре Баратова, Алина Ким, Дилфуза Мамбетсафаева 1994 — 1995 йилларда туғилган тенгурлари ўртасида турли йўналишларда машқ бажариш бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Гулжайна



Бадий гимнастика

дий гимнастика жиҳозлари олиб берилди.

Бундан ташқари, жамғарма томонидан Қўнғирот тумани ҳамда Нукус шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари гимнастика гиламлари билан таъминланди.

Қорақалпоғистонлик бадий гимнастикачилар республика ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида ўтказилган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларида Дилнос Жолдасбаева совринли учинчи ўринни эгаллади. Асем Жиянбаева, Марта Янченко спорт усталлигига номзод талабини бажарди.

Шунингдек, бадий гимнастикани янада ривожлантириш ва оммавийлигига эришиш мақсадида аниқ режага асосан, Қорақалпоғистон биринчиликлари ва чемпионатлари, "Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамизидир" ширин остида мусобақалар мунтазам равишда ташкил этиб келинмоқда.

— Қорақалпоғистонлик хотин-қизларнинг гўзаллик, латофат, жозоба ва энг муҳими, соғлиқ-саломатлик манбаи бўлган бадий гимнастикада меҳру ихлослари ўзгача, — дейди суҳбатимиз пировардида Г. Бобонова. — Бугун республикаимиздаги 660 дан зиёд спорт заллари аёлларимиз, қизларимиз билан гажвум. "Мен бадий гимнастика тўғарига эзиламан", деб келаётганлар сафи кун сайн кенгаймоқда.

Бу қорақалпоғистонлик бадий гимнастикачи қизларнинг дунё спорт майдонларида ўз маҳоратларини намойиш этиб, мамлакатимиз довуғини янада кенг ёйишга улкан ҳисса қўшадиган кунлари узоқ эмаслигининг яққол тасдиғидир.

Али ЗИЁДОВ.

Гўзалликка ошно қалблар

Гулбахор бадий гимнастика бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақаларда кўп бор совриндор бўлган. Айни пайтда бадий гимнастиканинг шимолӣ минтақамиздаги фаол тарғиботчиси.

— Нукусдаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт гимнастика мактаби бадий гимнастиканинг воҳамиз хотин-қизлари ўртасида оммалашувда таянч бўлмоқда, — дейди у. — Оролбўйи минтақасидан етишиб чиққан кўп бадий гимнастикачилар усталари, спорт мураббийларининг ақсарияти илк таълимни ана шу даргоҳда олишган. Мен ҳам бу мактабга тўрт ёшимдан қатнаш бошлаганман. Тажрибали мураббий Юлия Янер раҳбарлигида бадий гимнастикага ошно бўлиб, республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатнашдим. Эндиликда ўзимнинг ҳам ўнлаб шогирдларим бор.

Хозирги пайтда Гулбахор сабоқ олган гимнастика мактабида 520 нафар турли ёшдаги ўқувчи таълим олмақда. Шуларнинг 224 нафари бадий гимнастикага иштирокчи.

Мухими, шаҳар, республика миқёсидаги мусобақаларда қалблар эканлиги аҳамиятлидир.

— Спортнинг бу турига қизларимизнинг қизиқиши, иштиёқи жуда баланд, — дейди мактаб директорининг ўринбосари Айсулу Сейтжанова. — Авваллари бизда мураббийлар етишмасди. Эндиликда мактабимизни тамомлаган қизларимиз шаҳримиздаги Олимпия захиралари коллежиди, Нукус давлат университетида ўқиб, сафимизга қўшилишди. Ҳар йили кўп бадий шогирдлар тайёрлаб бераётган Гулбахор Бобонова, Дилафрўз Мадрейимова, Элмира Абдирамонова, Гулмира Абдирамонова, Дилфуза Қарлибоева каби ёш иқтидорли мураббийларимиз ўзимизнинг собиқ ўқувчилар ҳисобланишди. Улар Юртбошимизнинг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт усталари меҳнатини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги қароридан руҳланиб, бутун билим ва маҳоратларини ёш авлод камалига бағишламоқдалар.

Мухими, шаҳар, республика миқёсидаги мусобақаларда қалблар эканлиги аҳамиятлидир.

Исабаева, Улсара Ембергенова, Катя Ефремова, Тўмарис Ембергенова ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Нукус шаҳридаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига, "Прогресс" таълим ва ривожлантириш марказига, Тахиятош шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига, Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйига ўтган йилнинг ўзида 4 миллион 412 минг сўмлик ба-

дан мактаб ўқувчиларидан тортиб, уй бекаларига ҳам бор. Бадий гимнастика ихлосмандларига 12 нафар юқори малакали мураббий устозлик қилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Нукус шаҳридаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига, "Прогресс" таълим ва ривожлантириш марказига, Тахиятош шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига, Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйига ўтган йилнинг ўзида 4 миллион 412 минг сўмлик ба-

БИРИНЧИ ҚАДАМ ОМАДЛИ БЎЛДИ

Халқаро турнирда вакилларимиздан Никита Ким олтин, Арина Мок-Хушхабар рецова кумуш, Зарина Норматова эса бронза медал билан тақдирланди. Шоҳсанам Тоҳирова тўртинчи, Анастасия Криушева эса бешинчи ўрин билан кифояланди. — Ёш спортчиларимиз

бу каби халқаро турнирда биринчи бор иштирок этишди, — дейди Ўзбекистон фигурали учинч федерацияси бош котиби Евгений Рохин. — Терма жамоамиз аъзолари бир йил давомида пойтахтимиздаги "Ice rink" мажмуасида машғулотлар ўтказишган. Натжаларимиз ҳам шунга яраша салмоқли бўлди. Таъкидлаш лозимки,

З. ЖОНИБЕКОВ.

Яхши хабарлар

Наманган туманининг Шўркўрган қишлоғида яшовчи фахрий ўқитувчи Тўхтаон Раҳимова ўз хонадонидида уй-музей ташкил этиб, ҳамкишлоқлари эътиборига сазовор бўлди.

Уй-музей ташкил этилди

"Истиклол" деб ном берилган мажмур музей 15 та хонадан ўрин олган бўлиб, унда халқимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, хунармандчилик санъати, юртдошларимизнинг уруш давридаги жасорати ва истиқлол йилларидаги шижоати билан боғлиқ 20 мингдан зиёд экспонатлар жамланган. Шахсий кутубхонадаги адабиётларнинг сони эса 7000 нусхадан ошади. Йилдан-йилга бойиб бораётган хазиналар маскани доимо гажвум. Айниқса, ёшлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, қишлоқнинг ўтмиши, аждоқларининг урф-одат ва анъаналари хусусида таассуротларини бойитмоқдалар. Уй-музейда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар эса қишлоқ ахлига бой маънавий озуқа бераётди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактаб ўқувчиларига туҳфа

Пахтакор туманидаги 1-умумтаълим мактабида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Натижада мактаб ўқувчилари кишин-ёзин мунтазам спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Бунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 203,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Жорий йилда вилоятда жамғарма маблағлари ҳисобига яна 3 та спорт иншооти ёшларга тортиқ қилинди.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



халқаро турнирдан битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медаллари билан қайтиб келишди.

Нуфузли мусобақада Таиланд, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой Тайпейи, Сингапур ва Гонконгдан 60 нафар ёш фигурали учини спорт устаси қизғин баҳс олиб борди.

Фигурали учин бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари 22-24 октябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган "Asian junior figure skating challenge"

рецова кумуш, Зарина Норматова эса бронза медал билан тақдирланди. Шоҳсанам Тоҳирова тўртинчи, Анастасия Криушева эса бешинчи ўрин билан кифояланди. — Ёш спортчиларимиз

ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни тақлиф этади:

- **экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;**
- **турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;**
- **деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб сўғориш тизимининг бутловчи қисмлари.**

Тўлов шакли — турлича.

Манзилимиз: 181300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўргони.
 Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.
 Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-66.
 E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz

ОБ-ҲАВО (28 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12 даража илқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Тунда 4-9 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик қутатилмайди. Ҳарорат тунда 7-9 даража илқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ЦЕМЕНТ (шп400 кд20) 162,2 ▲ +2,2 ЦЕМЕНТ (шп400 д20) 156,7 ▲ +5,6 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -1029,4 ШИФЕР (1 лист) 14506 ▲ +60 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 903. 39240 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахриратчи жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тюкорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
 Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
 Навбатчи — Қ. Хидиров.
 Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 20.25 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5